

РАХМЕДОВА МАДИНАХОН НУСРАТ ҚИЗИ

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ИНСТРУМЕНТИ СИФАТИДА
ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Рахмедова Мадинахон Нусрат қизи

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш инструменти сифатида
еврооблигациялар билан операцияларни такомиллаштириш.....3

Рахмедова Мадинахон Нусрат қизи

Совершенствование операций с еврооблигациями как инструмента
привлечения иностранных инвестиций29

Rakhmedova Madinakhon Nusrat Kizi

Improving operations with Eurobonds as a tool for attracting foreign
investment...55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

РАХМЕДОВА МАДИНАХОН НУСРАТ ҚИЗИ

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ИНСТРУМЕНТИ СИФАТИДА
ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt1314 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошмуродова Бувсара Эгамовна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карлибаева Рая Ходжибаевна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 02 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

265 Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «12» 02 даги 13- рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Т.З.Тешабоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фаласафа доктори (PhD), доцент

[Signature]
И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий интеграция жараёнларининг ҳам миллий, ҳам халқаро даражада жадал ривожланиши жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги тараққиёт босқичидаги ажралмас хусусияти ҳисобланади. Жаҳон миқёсида умумий молиявий ахборот макони ва молия бозорларининг глобаллашуви давлатлар томонидан инвестициялар учун, мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракати учун қулай шароитлар яратилишида намоён бўлади. Ушбу тенденция, хусусан, жаҳон хўжалик фаолияти субъектларининг жаҳон молия бозорида қарз олувчилар сифатида тобора фаол иштирок этишида намоён бўлмоқда. Бу асосан компанияларнинг қимматли қоғозлари, еврооблигациялар туфайли рўй бермоқда. Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг ривожланишини катта ҳажмдаги инвестицияларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб, бу ерда асосий роль миллий молия бозорига берилади ва инвестицияларнинг асосий улуши молиявий кўйилмалар орқали жалб қилинади.

Жаҳон амалиётда хорижий инвестицияларни самарали жалб қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо шу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш, жалб этилган инвестициялардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларига жойлаштириш, мамлакат иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, прогрессив инвестиция сиёсатини олиб бориш масалалари асосида самарали ечимига эришилмаган. Еврооблигациялар жаҳон биржаси иштирокчилари учун юқори ликвидлилиги билан ажралиб турадиган энг ишончли молиявий восита сифатида тақдим этилади, улар инвесторларга кенг кўламли потенциал эмитентларнинг кўпроқ сонига киришни таъминлайди. Бундан ташқари, евробондлар мажбурий деб ҳисобланмайди. Қарз олувчи олинган маблағларни мақсадли фойдаланган ҳолда, шунингдек, турли даврдаги еврооблигацияларга эга. Евробондлар инвесторларга таваккалчилик ва рентабеллик нуқтаи назаридан энг мақбул инвестиция воситаларини танлаш ва солиқларни оптималлаштиришнинг турли схемаларини қўллаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия бозорига интеграциялашувнинг юз бераётган ва еврооблигациялар эмиссиясига алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда лойиҳалар ноаниқлиги, купон ставкалари нисбатан юқорилиги, эмиссия жараёнининг аутсайдерлар учун тўлиқ очиқ эмаслиги, эмиссия ҳисоботлари эълон қилинмаслиги каби муаммоларга дуч келинмоқда. Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун фойдаланиладиган механизмларнинг самарасизлиги, молиявий воситаларнинг замонавий шаклларини танлаш, шунингдек, ушбу молиявий воситалар орқали олинган маблағларнинг нотекис қайта тақсимланиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу борада қуйидаги асосий вазифалар белгилаб берилди: «инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ва минтақаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада

ривожлантириш, шу жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан шартномаларни кенгайтириш, ташқи қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсатни давом эттириш, жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш»¹. Бу вазифаларни самарали амалга ошириш хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон, 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сон, 2019 йил

2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон қарорлари, шунингдек, халқаро облигациялар чиқариш ва еврооблигациялар билан боғлиқ операциялар самарадорлигини оширишга қаратилган, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу пайтга қадар хорижий инвестицияларни жалб этиш воситаси сифатида еврооблигациялардан фойдаланиш масалалари маҳаллий адабиётларда унчалик кўриб чиқилмаган бўлса, хорижий манбаларида янада чуқурроқ акс эттирилган.

Инвестициялаш назариясининг асосий жиҳатлари Дж.Кейнс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, А.Смит, Ф.Фабоци, С.Фишер, У.Шарп, Дж.Данинг² каби кўплаб таниқли хорижий олимларнинг асарларида тадқиқ

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

² Дж.Кейнс «Общая теория занятости, процента и денег»- М.,1978.- 128 с.; А.Маршалл, «Инвестиции» Пер с англ.- М.: ИНФРА-М,2001; П.Самуэльсон «Multiplier-accelerator model, Review of Economic Statistics. 21(2): Адам Смит «Исследование о природе и причинах богатства народов»; Ф.Фабоци, Дж Френк «Управление инвестициями» Изд-во: М.: Инфра-М,2000.; С. Фишер, Р. Дорбнуш, Р. Шмалензи «Экономика», ДЕЛО лтд, 2000 г.; У.Шарп.; А. Маршалл «Principals of Economics», Macmillan and Co.,

этилади, қимматли қоғозлар воситасида хорижий инвестициялар жалб қилиш жараёнлари россиялик олимлардан И.А.Бланк, В.В.Бочаров, Т.Г.Касьяненко, Г.А.Маховикова, В.В.Ковалев, А.А.Суэтин, Л.Н.Красавина, К.В.Рудый, В.М.Коркин, Н.И.Быкова, А.С.Булатова, В.М.Родионова, А.Г.Грязнова, Б.А.Райзберг, А.Е.Дворецкая, Ю.С.Евлахова³ ва бошқаларнинг асарларида кўриб чиқилади.

Маҳаллий олимлардан М.Б. Хамидулин, Н.Р.Турсунова, И.Л.Бутиков, Х.Х.Худойкулов, Х.С.Тиллаев, А.Т.Аликулов ва У.И.Алиеваларнинг илмий ишларида еврооблигациялар фаолиятининг айрим жihatлари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, С.Э. Элмирзаев, О.Н. Хамдамов ва Н.Ш. Шавкатов⁴ томонидан халқаро молия бозорининг воситаси сифатида еврооблигацияларнинг жалб этувчан томонлари мақолаларда ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналишдаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хорижий инвестицияларни жалб қилиш инструменти сифатида еврооблигациялар билан операцияларни

³И.А.Бланк «Инвестиционный менеджмент», Учебное пособие.-Киев: Ника- Центр: Эльга-Н,2001.-448 с.; В.В.Бочаров «Инвестиции», Учебник для вузов. 2-ое издание. СПб.: Питер 2009-384 с.; Т. Г. Касьяненко, Г. А. Маховикова «Инвестиции»: Учебное пособие. – М.: Эксмо, 2009.; В.В. Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин «Инвестиции» Учебник.-М.: ООО «ТК Велби»,2003.-440 с.; Суэтин А. А. Международный финансовый рынок. — М.: Кнорус, 2004. — С. 28; Красавина Л. Н. Финансовый рынок как фактор инновационного развития экономики: системный подход // Банковское дело. — 2008. — No 8; Рудый К. В. Финансы внешнеэкономической деятельности. — Минск: Высшая школа, 2004. — С. 208.; Коркин В. М. Ссудный рынок России. — М.: Экзамен, 2001. — С. 21.; Быкова Н. И. Формирование финансового рынка в РФ и роль банков в его развитии: дис. ... д. э. н.: 08.00.10. — СПб., 1999. — С. 10.; Экономика / Под ред. А. С. Булатова. — М.: БЕК, 1994. — С. 364.; Финансы / Под ред. В. М. Родионовой. — М.: Финансы и статистика, 1995. — С. 396.; Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Под общей ред. д. э. н., проф. А. Г. Грязновой. — М.: Финансы и статистика, 2002. — С. 866.; Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. — М.: ИНФРА-М, 1996. — С. 361.; Дворецкая А. Е. Рынок капитала в системе финансирования экономического развития. — М.: Анкил, 2007. — С. 8, 14. ; См. например: Современный рынок капиталов / Под ред. Г. П. Солоса. — М.: Финансы, 2007. — С. 9; Евлахова Ю. С. Трансформация институциональной структуры регулирования финансового рынка России: дис. ... к. э. н. — Ростов-на-Дону, 2007.

⁴М.Б.Хамидулин «Развитие финансового механизма корпоративного управления» Автореферат диссертации доктора экономических наук.- Ташкент, БФА, 2009; И.Л.Бутиков «Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент,БФА,2009; Ш.Ш. Шохъазамий «Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент:БФА,2011; У.М.Алиева «Пути совершенствования функционирования инфраструктуры рынка ценных бумаг в Узбекистане» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент,БФА,2008. Н.Р.Турсунова «Пути эффективной организации финансового обеспечения в управлении корпоративными финансами» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент, БФА,2019, Х.С.Тиллаев «Развитие деятельности коммерческих банков на рынке ценных бумаг» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент, 2020г., А.Т.Аликулов «Увеличение потока капитала через фондовый рынок в Узбекистане» Автореферат диссертации доктора экономических наук.-Ташкент, 2021г., С.Элмирзаев, М.Рахмедова, Х.Холиков «Перераспределение средств, полученных от эмиссии суверенных еврооблигаций и их эффективность». Халқаро молия ва ҳисоб. 2020; О.Н.Хамдамов, Ш.Отохонова, З.Баратова «Анализ рынка облигаций в странах Азиатского региона», Халқаро молия ва ҳисоб.2020; Н.Шавкатов, Б.Бозоров «Давлат хусусий шериклик амалиётига хусусий секторни инфратузилма облигациялари оркали жалб қилиш масалалари», Халқаро молия ва ҳисоб, 2021.

такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги ривожланиш босқичида еврооблигациялар бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;

ҳалқаро молия бозорида еврооблигацияларни жойлаштириш механизминини ўрганиш;

мамлакатлар иқтисодиётинини молиялаштириш хусусиятларини таҳлил қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида еврооблигациялардан фойдаланишда уларнинг асосий мақсадларини очиб бериш;

еврооблигациялар эмиссиясининг бошқа молиявий инструмнетлар билан таққослаганда афзаллигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг евробондлар бозорида ривожланиш хусусиятларини аниқлаш ва хорижий тажрибани ички амалиётда қўллаш имкониятларини аниқлаш мақсадида ички еврооблигация бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

миллий эмитентларнинг эмиссия фаолиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро еврооблигация бозоридаги иштирокини янада кучайтириш истикболларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ҳалқаро молия бозорида суверен ва корпоратив еврооблигацияларни жойлаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети еврооблигацияларни чиқариш ва ҳалқаро молия бозорида жойлаштириш орқали инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий абстракция, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, иқтисодий ва статистик таҳлил, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвесторлар учун жозибатор механизмларни жорий қилиш ҳисобига имтиёз ва преференцияларни бериш орқали капитал бозорида еврооблигациялар эмитентларини рағбатлантирган ҳолда еврооблигациялар тўлов даражаси 4,75% пасайтириш асосланган;

тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва инвестиция компанияларининг еврооблигациялар эмиссияси ва бошқа эмитентлар еврооблигацияларига инвестиция киритиш орқали миллий институционал инвесторларнинг еврооблигациялар бозоридаги фаоллигини оширишаҳамиятга эга бўлган объектларга бюджет ссудаси сифатида ажратиш таклиф этилган;

дифференциал қимматли қоғозлар бозори инструменти сифатида эмитентлар томонидан уч йиллик сузувчи купонли еврооблигациялар муомаласидан фойдаланиш орқали купонли тўловларни тарибга солиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лойиҳалар аниқлигини ошириш ва юқори самарадорлигини асослаш, ахборотлар очиклигини ва эмиссиянинг батафсил ҳисоботлари ошкоралигини

таъминлаш ҳолда еврооблигациялар инвестицион жозибадорлигини ошириш усуллари асосланган;

хорижий инвестициялар жалб қилиш учун еврооблигациялар жойлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

фонд бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари сифатида ўрта муддатли евроқоғозлар бозори (medium-term euronotes, MTN) имкониятларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинди.

мамлакатнинг инвестиция ва стратегик муҳим лойиҳаларини, хусусан, олтин казиб олиш билан боғлиқ лойиҳаларни ҳамда халқаро облигациялар чиқаришдан тушган маблағлар ҳисобига ижтимоий инфратузилмани яхшиловчи лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш таклифи такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий натижалар ишончлилиги инвестиция фаолияти соҳасидаги машҳур иқтисодчи-олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, ҳамда халқаро фонд биржалар индекслари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, АТБ «Ўзқурилишсаноатбанк», АТИБ «Ипотека-банк», Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг ҳисобот ва статистика маълумотларини таҳлил қилиш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мамлакат инвестицион муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш воситаси сифатида еврооблигациялар билан операцияларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга оширишнинг фундаментал асоси сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулоса ва натижалардан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар томонидан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича инвестиция сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан бакалаврият йўналишлари бўйича ўтиладиган “Инвестициялар”, “Корпоратив молия”, “Молия бозори” фанларидан ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида еврооблигациялар билан операцияларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

халқаро облигациялар миллий эмитентлари фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва келажақда суверен кредит рейтинги, тижорат банклари ва бошқа акциядорлик жамиятларининг кредит рейтинги яхшиланишига кўмаклашувчи миллий қимматли қоғозлар бозорини бир маромда ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2019 йил қабул қилинган ПҚ-4127-сон Қарорида акс эттирилди

(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 06/04-01-32/974-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга қўлланилиши натижасида халқаро молия бозорларида суверен ва корпоратив еврооблигациялар бўйича фоиз ставкалари сезиларли пасайишига олиб келди;

табақалаштирилган қимматли қоғозлар бозори воситалари, хусусан, ўрта муддатли еврооблигацияларни халқаро молия бозорида жойлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йил қабул қилинган ПҚ-4300-сон Қарорида акс эттирилди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 06/04-01-32/974-сон маълумотномаси). УШбу таклифнинг амалиётга қўлланилиши натижасида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биринчи марта Лондон фонд биржасида миллий валютада номинал қиймати 2 трлн. сўм бўлган еврооблигацияларни 3 йил муддатга 14,5% даромадлилик билан муваффақиятли жойлаштирди.

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграция асосида инвесторларнинг барча тоифалари учун капитал бозорининг очиқлигини ошириш, жумладан, халқаро молия бозорида, хусусан, евроқоғозлар бозорида институционал инвесторлар сифатида миллий банклар, суғурта ва инвестиция компаниялари ва бошқа молия субъектларининг аҳамиятини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2019 йил қабул қилинган ПҚ-4127-сон Қарорида акс эттирилди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 06/04-01-32/974-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши натижасида бир қатор миллий банклар корпоратив еврооблигацияларни чиқариш орқали жаҳон фонд бозорининг профессионал иштирокчиларига айландилар.

мамлакатнинг инвестиция ва стратегик муҳим лойиҳаларини, хусусан, олтин қазиб олиш билан боғлиқ лойиҳаларни ва халқаро облигациялар чиқаришдан олинган маблағлар ҳисобига ижтимоий инфратузилмани яхшилайдиган лойиҳаларни молиялаштиришга маблағлар ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2019 йил қабул қилинган ПҚ-4258-сон Қарорида акс эттирилди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 06/04-01-32/974-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида еврооблигация чиқаришдан олинган маблағларни Навоий КМҚнинг техник, технологик ва инновацион салоҳиятини ошириш учун йўналтириш мумкин бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда, шунингдек, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда, бошқа илмий нашрларда 19 та мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Хорижий инвестициялар жалб қилиш инструменти сифатида еврооблигацияларнинг назарий асослари»** деб номланган бўлиб, унда жаҳон фонд бозорининг моҳияти очиб берилган, жаҳон фонд бозорининг асосий воситалари аниқланган, еврооблигацияларга таърифлар берилган, жаҳон фонд бозори тизимида еврооблигацияларнинг роли, еврооблигациялар бозорининг эволюцияси, ушбу бозорнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда еврооблигациялар бозорининг хусусиятлари баён этилган.

Молия бозори мамлакат молия тизимининг асосий қисми ҳисобланади, у халқаро молия бозорига интеграциялашув жараёнида замонавий иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди. Айни пайтда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини ошириш ва бошқаларга қаратилган бозор ислохотлари давом эттирилиб, молия бозорига катта эътибор қаратилмоқда.

Молия бозорининг тузилишига келадиган бўлсак, ҳар бир тадқиқотчи уни ўзига хос тарзда тасаввур қилади. Шу билан бирга уни концептуал тушуниш жуда муҳим, чунки у бозорни тартибга солишни ташкил этишга катта таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Унинг элементлари бўйича олимлар ва иқтисодчиларнинг фикрлари 1-жадвалда келтирилган.

Олимларнинг юқоридаги фикрларини умумлаштириб, молия бозори - турли молиявий институтларни молиявий ресурслар билан таъминлашнинг глобал тизими деб ҳисоблаймиз. Бутун молия бозори, иқтисодиёт нуқтаи назаридан, молиявий активларни тақсимлаш, ундан кейин пул маблағларни жалб қилиш жараёнидир. Демак, молия бозори молиявий ресурслар олди-сотди майдони ҳам, уларнинг муомаласини таъминлайдиган муассасалар бирлашмаси ҳам, яъни бозорнинг асосий қонунлари асосида кредит ва молия институтлари орқали бўш нақд пулни ссуда капиталига айлантириш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Иқтисодчи олимларнинг молия бозорига турлича қарашлари⁵

Манба	Таъриф	Фарқнинг муҳим элементи
Ўзбекистон Республикасининг 06.01.2012 йил қабул қилинган «Рақобат тўғрисида»ги ЎРҚ-319-сон қонуни моддаси	Молия бозори - банклар ҳамда бошқа кредит, сугурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади	Молиявий хизмат тури.
Гитман Л., М.Джонк Основы инвестирования. М.: Дело, 2007.	Молия бозори – битим тузиш учун пул таклиф қиладиганлар билан пул қидираётганларни бирлаштирадиган механизм	Унинг ёрдамида давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий жамғармалари тўпланиб, самарали инвестиция учун фойдаланиладиган механизм
Ф.Дж. Фабозци «Управление инвестициями» Prentice Hall, Inc., 1995; ИНФРА-М, 2000	Молия бозори молиявий активларни яратиш ва алмашиш механизмларини таъминлайди	Молия бозорининг мақсади молиявий воситалар билан операцияларни амалга ошириш механизмини яратишдан иборат
Сакс Ж., Лоурен Ф. 2006. Macroeconomics. Global approach. Published in Russian. Delo, Moscow, pp: 675.	Молия бозори - молиявий ресурсларнинг муомала соҳаси ёки молиявий активлар ва воситалар савдоси тизими	Валюта бозори, олтин бозори, капитал бозори, нақд пул бозори
Михайлов Д.М. Мировой финансовый рынок: тенденции и инструменты. — М.: Экзамен, 2000	Мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш муддатига кўра молия бозори пул бозори ва капитал бозорига бўлинади. Эркин олди-сотди қилиш имконияти мезонига кўра - қимматли қоғозлар бозори (молиявий мажбуриятлар бозорда эркин олди-сотди қилиниши мумкин) ва кредит бозорига (молиявий мажбуриятларни эркин олди-сотди қилиш имкониятисиз) бўлинади	Икки таснифлаш мезонлари: мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш муддати ва бозорда молиявий мажбуриятларни эркин олди-сотди қилиш имконияти
Львов Ю. И. Банки и финансовый рынок. — СПб.: КультИнформ Пресс, 2005	Молия бозори ўзаро боғлиқ учта сегментни - қимматли қоғозлар бозори, кредит бозори, валюта бозорини ўз ичига олади	Кредитлар, валютани назарда тутадиган молиявий восита тури

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш ва молия бозорини янада ривожлантириш мақсадида ҳам қонунчилик даражасида, ҳам амалиётга жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

⁵ Жадвал муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган

Мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун халқаро рейтинг ва индекс олиш соҳасида амалга оширилаётган чуқур ислохотларни ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 25.02.2019 йил қабул қилинган ПҚ-4210-сон Қарорида таъкидлашича: «...2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди...»⁶.

Жаҳон қимматли қоғозлар бозори доирасида муҳим, лекин ҳали етарли даражада ўрганилмаган иқтисодий ҳодиса юзага келган бўлиб, уни ўз қонунлари ва устуворликларига бўйсундириган, ўз тузилма ва хусусиятларига эга бўлган халқаро, миллатлараро капиталнинг пайдо бўлиши сифатида тавсифланиши мумкин. Евровалюта бозори ва еврокапитал бозорининг вужудга келиши унинг ривожланишига сезиларли туртки бўлди. Бу бозорларнинг пайдо бўлиши жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг эркин нисбат ҳолатини яратиш имконини берди.

Еврооблигациялар – бу йирик трансмиллий компаниялар ёки давлатлар томонидан хорижий валютада чиқариладиган қимматли қоғозлар. Бундай облигациялар хорижий биржаларда ҳам, эмитент мамлакат бозорларида ҳам муомалада бўлиши мумкин.

Еврооблигациялар икки номланиши туфайли - яъни купонлар эмитент мамлакатдан ҳам, облигациянинг ўзи валютасидан ҳам фарқ қилувчи валютада тўланганда энг даромадли инвестиция воситаси ҳисобланади. Масалан, ўзбекистонлик инвестор доллардаги еврооблигация сотиб олиб, евро ёки фунтда купонни олмоқчи бўлса, бунга етарлича имконият бўлади.

Бундан ташқари, евроқоғоз бозорининг бошқа муҳим сегментлари қисқа муддатли евроқоғоз бозори ва евроакциялар бозори ҳисобланади. Еврооблигация бозорининг бундай бўлиниши унда котировка қилинадиган қимматли қоғозларнинг асосий турлари: еврооблигациялар, қисқа муддатли евроқоғозлар (евроноталар, евроекселлар, еврокредит сертификатлари) ва евроакциялар билан белгиланади.


Диссертациянинг «**Еврооблигациялар турларини таҳлил қилиш ва уларнинг муомаладаги таркибий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобда еврооблигацияларни жаҳон фонд бозорига чиқариш ва жойлаштириш механизми кўриб чиқилиб, халқаро еврооблигациялар бозорига кириш мақсадлари ва эмиссиядан олинган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари таҳлил қилинган, шунингдек, еврооблигацияларнинг бошқа молиявий воситаларга нисбатан афзаллиги ҳақида хулосалар чиқарилган.

Халқаро еврооблигация бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида евробондларни чиқаришнинг асосий усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.02.2019 й. ПҚ-4210-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

очиқ обуна (public issue, offer for subscription) – дунёнинг турли мамлакатларида чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида қарз менежерлари (андеррайтерлар синдикати) орқали амалга оширилади. Бундай чиқаришлар деярли ҳар доим биржада листингга эга бўлади, еврооблигация сертификатлари тегишли биржа қоидаларига мувофиқ амалга оширилади;

хусусий жойлаштириш (private placement) – еврооблигациялар улар кам сонли банклар томонидан жойлаштирилади ва кам сонли, асосан институционал инвесторлар томонидан сотиб олинади. Бундай чиқаришлар одатда фонд биржасида листингга эга бўлмайди.



1-расм. Еврооблигацияларни жойлаштириш турлари⁷

Еврооблигацияларни жойлаштиришнинг кейинги босқичи кредит лаёқати рейтингини олиш ҳисобланади, бунда бир вақтнинг ўзида бир неча жаҳон рейтинг агентликлари мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Етакчи агентликлар рейтингсиз қарзни жойлаштириш деярли имконсиздир, чунки маълум бир рейтинг берилиши эмитентнинг ҳозирги иқтисодий ва сиёсий ҳолатини кўрсатади ва амалда эмитентнинг қарзларни қайтариш бўйича имкониятларини тасдиқлайди.

⁷Расм муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлар фойдаланиш асосида тайёрланди

Эмитент мамлакатларнинг рейтинг таҳлили⁸

Рейтинг тури		Эга мамлакат	
Инвестиция тоифаси			
AAA		Эмитентнинг тўлов лаёқати жуда кучли. Дефолт хавфи минимал. Эмитентнинг тўлов лаёқати олдиндан айтиш мумкин бўлган ҳодисалар туфайли зарар кўрмайди.	Австралия, Дания, Германия, Люксембург, Нидерландия, Швеция
AA	AA+ AA AA-	Тўлов лаёқати жуда яхши бироқ, олдиндан айтиш мумкин бўлган ҳодисалар учун у қадар заиф эмас	Австрия, Бельгия, Канада, Эстония, Франция
A	A+ A A-	Тўлов лаёқати кучли. Ноқулай бизнес ёки иқтисодий шароитларга нисбатан заиф бўлиши мумкин.	Хитой, Исландия, Исроил, Япония, Саудия Арабистони
BBB	BBB+ BBB BBB-	Тўлов лаёқати кучли. Бироқ ноқулай бизнес ёки иқтисодий шароитлар уни жиддий ёмонлаштириши мумкин	Болгария, Колумбия, Хорватия, Венгрия, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Малайзия, Россия
Спекулятив тоифа			
BB	BB+ BB BB-	Бизнес ёки муҳит салбий ўзгаришлари ҳолатида хавф заифликни оширади. Шу билан бирга, тўлов лаёқатини сақлаб қолиш учун имкон берадиган мослашувчанлик бор	Озарбайжон, Бразилия, Греция, Марокаш, Парагвай, Сербия, Туркия, Ўзбекистон, Вьетнам
B	B+ B B-	Дефолт rischi катта. Хавфсизликнинг чекланган чегараси мавжуд, аммо заифлик юқори.	Арманистон, Белоруссия, Эквадор, Миср, Ирок, Кения, Монголия, Покистон, Украина
CCC	CCC+ CCC CCC-	Реалистик дефолт.	Аргентина, Лаос, Мозамбик, Конго Республикаси, Шри Ланка
CC		У ёки бу турдаги дефолт эҳтимоли юқори	
C		Дефолт бошланган. Эмитент мураккаб вазиятда. Ташқи молиялаштириш йўқ	Суринам
Дефолт тоифаси			
RD		Муайян мажбуриятлар бўйича дефолт рўй берган, бироқ эмитент ҳали тугатиш тартиботига кирмаган.	Ливан, Венесуэла
D		Тугатиш «банкрот» жараёни бошланган	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рейтинг қанчалик юқори бўлса, маълум бир мамлакатнинг инвестицион салоҳияти шунчалик жалб этувчан бўлади, бу эса сўровлар ҳажми катта эканлиги билан изоҳланади.

⁸ Жадвал муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлар фойдаланиш асосида тайёрланди

Тегишли равишда, қимматли қоғоз қанчалик жалб этувчан бўлса, унинг купон даромадлиги шунчалик паст бўлади. Аксинча, мамлакатнинг кредит рейтинги қанчалик паст бўлса, риск шунчалик юқори бўлади ва риск учун тўлов шунчалик юқори бўлиши лозим. Бундай ажратиш, жумладан, тартибга солиш мақсадида ишлатилади. Пенсия фондлари ёки давлат муассасалари каби айрим молия институтларига фақат инвестиция тоифасидаги қимматли қоғозларга инвестиция киритишга рухсат берилиши мумкин.

3-жадвал

МДХ мамлакатлари биринчи еврооблигациялар чиқарилиши қиёсий таҳлили⁹

	Давлат еврооблигациялар ҳажми, (млрд.долл.)	Биринчи жойлаштириш	Жорий даромадлилик, (%)	Еврооблигация жойлаштирилган санада мамлакатнинг кредит рейтинги	Биринчи эмиссия инвесторлар орасида жойлаштириш	Сўровлар эмиссиядан ортиқлиги, марта
Россия	54,052	1996 октябрь	3,11-4,95	S&P – “BB- “ Moody’s – “Ba2” Fitch – “BB+”	АҚШ -41%, Жанубий Корея-39%, Европа-20%	2,1
Қозғистон	6,5	1996 декабрь	3,85-5,175	S&P – “BB “ Moody’s – “Ba3”	Буюк Британия -63%, АҚШ -21%, Европа-16%	4,4
Грузия	0,5	2008 апрель	6,88	S&P – “B+ “ Fitch – “B+”	Буюк Британия -56%, АҚШ-13%, Европа-31%	3,4
Беларусь	8,78	2010 июль	4,5-8,0	Moody’s – “B1”	АҚШ-67%, Буюк Британия -24%, Европа-9%	1,8
Арманистон	1,2	2013 сентябрь	6,0-7,15	Moody’s – “Ba2”	АҚШ-42%, Буюк Британия -23%, Европа-17%, РФ ва Осиё – 18%	4,3
Озарбайжон	3,5	2014 март	3,5-4,74	S&P – “BBB/A-3”	АҚШ-47%, Буюк Британия -25%, Германия – 18%, Сингапур ва Исроил – 10%	4
Тожикистон	0,5	2017 сентябрь	7,125	S&P – “B3”	АҚШ-38%, Буюк Британия -24%, Европа-35%, Осиё – 3%	9
Ўзбекистон	1,0	2019 февраль	4,75-5,375	S&P – “BB- “ Moody’s – “B1” Fitch – “BB+”	Буюк Британия –39%, АҚШ-23%, Европа-32%, Осиё – 6%	8,5

Америка давлат облигацияларининг даромадлилик даражаси ривожланаётган мамлакатлар қарз мажбуриятлари бозорида ставкалар динамикасини белгилайди (3-жадвал).

2019 йилнинг 14 февралда Ўзбекистон, Лондон фонд биржаси маълумотларига кўра, умумий ҳажми 1 млрд. доллар бўлган евробондларнинг дебют иккита траншини жойлаштирди. Облигациялар 2024

⁹<http://cbonds.ru/indexes/>

ва 2029 йилларда тўлов муддати билан 500 миллион долларлик икки транш билан жойлаштирилди.

Мамлакат Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги Қарори билан маблағлар тегишли фоизлар олиш шартида қуйидагиларга йўналтирилади: «889,2 миллион АҚШ долларини аукцион савдолари ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига жойлаштирилади; 20 миллион АҚШ доллари «Агробанк» АТБга қарз сифатида берилади; 89,9 миллион АҚШ доллари «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига ссуда сифатида ажратилади». Россия, масалан, ўтган ўн йилликлар мобайнида йиллик олтин ишлаб чиқаришни 19 тоннадан 190 тоннагача оширди. Ўзбекистонда 63 та олтин кони мавжуд бўлиб, улардан фақат тўққизтаси саноат усулида ишламоқда. Олтиннинг умумий тасдиқланган захиралари 2500 тоннадан ортиқ бўлиб, эҳтимолий захиралари (С1 ва С2 тоифаларида) 5990 тоннани ташкил этади. Бундан ташқари, олтин қазиб олиш, шунингдек, платина, кумуш, нодир элементлар, майда зеб-зийнат ясаша учун фойдаланиш мумкин бўлган тошлар ва қимматбаҳо тошлар каби бошқа минераллар қазиб олиш билан боғлиқ эканлигини ёдда тутиш лозим.

Еврооблигациялар биринчи чиқарилиши жисмоний таъминотга эга эмасди. Улар ҳеч қандай гаров ёрдамида рисклардан суғурталанмаган. Асосий кафолатлар Ўзбекистон номи, давлатнинг бюджет ва молиявий сиёсати ва сиёсий барқарорлигидир. Бу омиллар Ўзбекистон Республикасига ВВ-рейтинги берилишига таъсир этиб, унга кўра ўрта муддатда ўзининг ташқи мажбуриятларига хизмат кўрсата олади.

Ғарб инвесторларининг ўзбек евробондларига ижобий эътиборига сазовор бўлишга хизмат қиладиган омиллар қаторига «экзотик» қимматли қоғозларга ўзига хос «очлик»ни қондириш ва бошқа баъзи ҳолатларни киритиш мумкин.

Натижада Ўзбекистонга «инвестицион тоифа»дан паст кредит рейтинги берилиши ва еврооблигацияларнинг дастлабки икки траншини муваффақиятли ўтказиш маҳаллий компаниялар ва маҳаллий инвесторларга халқаро молия бозорларидан капитал жалб этишга йўл очди.


2019 йил 31 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чоратадбирлари тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Лондон фонд биржасида котировка қилинадиган умумий ҳажми 1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган Ўзбекистон Республикасининг 5 ва 10 йиллик суверен еврооблигациялари чиқарилди¹⁰.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси еврооблигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чоратадбирлари тўғрисида» Қарори (www.lex.uz)

Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг суверен еврооблигацияларини муваффақиятли жойлаштиришдан олинган тушумларни самарали жойлаштириш мақсадида 2019 йил 2 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг еврооблигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан мамлакат ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикасининг таклифлари тақдим этилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси биринчи еврооблигациялари эмиссиясидан тушган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари¹¹

График маълумотларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан биринчи суверен еврооблигациялар муваффақиятли жойлаштирилганидан сўнг, еврооблигацияларни сотишдан тушган маблағлар қуйидагича тақсимланди - суверен еврооблигациялардан тушган 999,1 млн доллар маблағнинг 89 фоизни 889,2 млн. доллар миқдорида аукционлар орқали тижорат банклари омонатларига жойлаштирилди, қолган 20 млн. доллари кредит линияси очиш учун "Агробанк" акциядорлик тижорат банкига субординацияланган кредит сифатида юборилди (4-жадвал).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарори. (www.lex.uz)

Қолган 89,9 млн. доллар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Навоий кон-металлургия комбинатига чет эл валютасида бюджет ссудаси сифатида ажратилди.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси халқаро облигацияларини жойлаштиришдан олинган маблағларни аукционлар воситасида тижорат банклари депозитларида жойлаштириш шартлари¹²

Депозит муддати	Максимал депозит миқдори (\$ АҚШ)	Минимал йиллик % ставкаси	% тўлов муддатлари	Депозитни қайтариш муддати
5 йиллик	459,6	5,25%	Ҳар 6 ой (10 февраль-10 август)	10.02.2024
10 йиллик	429,6	5,875%	Ҳар 6 ой (10 февраль-10 август)	10.02.2029
Жами	889,2	-	-	-


Юқоридаги жадвалда 5 йиллик суверен еврооблигациялар бўйича олинган 459,6 млн АҚШ доллари тижорат банкларига 5 йил муддатга, яъни 2024 йил 10 февралгача жойлаштирилганлиги кўрсатилган. Бу ҳолда, хорижий валютадаги 5 йиллик муддатли депозит энг кам 5,25 фоиз йиллик ставкада жойлаштирилади ва фоизли даромад ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, 5,25 фоиз ставкаси 4,75 фоиз маржа плюс суверен еврооблигациялар жойлаштирилган 0,5 фоиз асосида ўрнатилади. Бундан ташқари, ушбу депозитлар бўйича фоизлар тижорат банклари томонидан ҳар олти ойда, яъни 2024 йилнинг 10 февралгача, ҳар йил 10 февраль ва 10 август кунларида тўланади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 429,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi 10 йиллик суверен еврооблигациялар 2029 йилнинг 10 февралгача акциадорлик тижорат банклари ўртасида аукцион асосида жойлаштирилди, яъни шу муддат давомида чет эл валютасидаги 10 йиллик омонатга минимал йиллик 5,875 фоиз миқдоридa маблағ тақдим этилади ва фоиз даромади ҳисобланади. Бу, шунингдек, 5,875 фоиз ставкаси 5,325 фоиз маржа плюс 10 йиллик суверен еврооблигациялар жойлаштирилган 0,5 фоиз асосида ўрнатилади.

Бундан ташқари, ушбу депозитлар бўйича фоизлар тижорат банклари томонидан ҳар олти ойда, яъни 2029 йилнинг 10 февралгача, ҳар йил 10 февраль ва 10 август кунларида тўланади. Муддатларни белгилашда еврооблигациялар бўйича мажбуриятлар шартларига алоҳида эътибор

¹²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарори. (www.lex.uz)

қаратилади. Амалиётда фоиз ставкалари ва шартлар бўйича маблағларни тақсимлаш банклар томонидан қуйидаги равишда амалга оширилади¹³:



3-расм. Еврооблигациялар эмиссияси йўли билан шакллантирилган банкларнинг депозитлари¹⁴

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, еврооблигациялардан олинган ва депозитга режалаштирилган тушум аукционда 9 та давлат тижорат банклари ўртасида тақсимланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака» банки 20 фоиз улушга эга бўлиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Агробанк» 10 фоиздан ортиқ маблағни жалб этди. Тижорат банкларининг бошқа давлат иштирокидаги улуши 10 фоиздан кам.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Агробанк» АТБ га суверен еврооблигацияларни жойлаштиришдан тушум ҳисобига субординациялашган кредит сифатида кредит линияси очиш шартлари¹⁵

Кредит линияси			
Кредит миқдори (\$ АҚШ)	Йиллик % ставкаси	% тўлов муддатлари	Кредитни қайтариш муддати
20	5,875 %	Ҳар 6 ой	10.02.2029

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Агробанк» акциядорлик-тижорат банкига Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган тушумдан 20 млн. доллар маблағни қуйидаги шартлар асосида субординациялашган кредит сифатида жойлаштирди:

Еврооблигациялар эмиссиясидан қайта тақсимланган маблағлар ушбу банк учун кредит линиясини шакллантиришга хизмат қилади. 10 йиллик узоқ муддатли субординация қарзининг тўлов санаси 2029 йил 10 февралга

¹³ Тошматов Ш.А. Ўзбекистон халқаро облигацияларининг жаҳон молиявий бозорларида жойлаштирилиши: риск ва прогнозлар. <http://review.uz/>

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарори. (www.lex.uz)

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарори. (www.lex.uz)

белгиланган. Ўз навбатида, ушбу кредит линияси бўйича фоиз ставкаси 5,875 фоиз қилиб белгиланган. Бироқ, тижорат банклари ўртасида аукцион савдосига қўйилган депозитлар бўйича минимал фоиз ставкаси 5,875 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси илк еврооблигацияларини, яъни Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг суверен еврооблигацияларини жойлаштиришдан олинган 89,9 АҚШ доллари, истисно тариқасида, Навоий кон-металлургия комбинатига хорижий валютадаги бюджет ссудаси сифатида ажратилди. Бунда хорижий валютада бюджет ссудаси бериш шартлари қуйидагича:

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суверен еврооблигацияларни жойлаштиришдан олинган тушумларни истисно тариқасида НКМКга хорижий валютада бюджет ссудаси тақдим этиш ¹⁶


Ссуда миқдори	5 йиллик ссуда				10 йиллик ссуда			
	Миқдори (\$ АҚШ)	Йиллик % ставка	% тўлов муддати	Қайтариш муддати	Миқдори (\$ АҚШ)	Йиллик % ставка	% тўлов муддати	Қайтариш муддати
89,9	39,95	5,75%	Ҳар 6 ой (10.02-10.08)	10.02.2024	49,95	6,375%	Ҳар 6 ой (10.02-10.08)	10.02.2029

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, Навоий кон-металлургия комбинатига ажратилган маблағнинг 39,95 млн. доллари 5 йиллик суверен еврооблигацияларни жойлаштиришдан келиб тушган. Шу билан бирга бюджет кредити йиллик 5,75 фоиз миқдорида жойлаштирилади ва 2024 йилнинг

10 февралигача, ҳар олти ой 10 февраль ва 10 август кунлари фоиз тўловлари амалга оширилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги истисно тариқасида «Навоий тоғ-металлурги комбинати»га Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллик халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушум билан асосланадиган хорижий валютадаги 49,95 млн доллар миқдорида бюджет ссудаси ажратган. Ажратилган бюджет кредити бўйича йиллик фоиз ставкаси 6,375 фоиз белгиланган, 10 йиллик халқаро облигациялар бўйича фоиз ставкаси эса 5,375 фоиз маржа плюс бир фоиздан иборат.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сон Қарори. (www.lex.uz)



4-расм. Суверен еврооблигациялар маблағларини жойлаштириш ҳисобига олинган молиявий натижа¹⁷
